

Хўжалик юритувчи субъект хузуридаги Банк хизматларини кўрсатиш
Марказини ташкил этиш юзасидан тузилган

ИЖАРА ШАРТНОМА

№ 03

2022 йил "20" "Феврал"

Фарғона шахри

Кейинги ўринларда "Банк" деб аталувчи АТБ «Қишлоққурилишбанк» Фарғона минтақавий филиали бошқарувчиси **Абдурахимов Хусанбой Комилжонович** орқали ва кейинги ўринларда "Хўжалик юритувчи субъект" деб аталувчи Тошлок тумани «Тошлок кино видео» МЧЖ рахбари **Юлдашев Анвар Умарович** орқали иккинчи томондан, бундан кейин матинда Марказ, Банк хизматларини кўрсатиш Марказини очиш учун куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. Шартнома шартлари

1.1 Банк "Хўжалик юритувчи субъект" балансидаги Фарғона вилояти Тошлок тумани А.Навоий куча 21 уйда жойлашган "Обод диёр" кинотеатри биносида Банк хизматларини кўрсатиш Марказини ташкил этади.

1.2 Банк "Хўжалик юритувчи субъект" томонидан Банк хизматлари курсатиш Маркази учун ижарага бериладиган бино, майдон ва кўшимча қурилма-иншоотларни ўз хисобидан таъмирлайди ва бутлайди.

1.3 "Хўжалик юритувчи субъект" томонидан Банк хизматлари кўрсатиш Маркази худудини бир календарь ой учун ижара тулови суммаси барча коммунал туловлари билан бирга **3 000 000,0 (Уч миллион)** сўмни ташкил этади.

1.4 Банк ушбу шартномада курсатилган ижара ҳақки суммасини "Хўжалик юритувчи субъект" ҳисоб рақамига, бино ижарасидан фойдаланиб бўлинган ойдан кейинги ойнинг 10-санасидан кечикмаган ҳолда ўтказиб беради.

2. "Хўжалик юритувчи субъект" мажбуриятлари

2.1 "Хўжалик юритувчи субъект" Банк хизматлари кўрсатиш Маркази фаолияти учун зарур бўладиган барча коммуникация боғланмалари (электр тармоғи, канализация, совук сув, телефония) уланиш нукталари билан таъминлайди.

2.2 "Хўжалик юритувчи субъект" Банк хизматлари кўрсатиш Маркази таъмирлаш ишларини, пудратчи ташкилот томонидан топширилишида учинчи тараф сифатида иштирок этади.

2.3 Ушбу шартнома амал қилиш муддати тугаб, қайта тузилмаган тақдирда, "Хўжалик юритувчи субъект" олиб чиқиб кетишнинг имкони бўлмаган, фойдаланиш учун ярокли ҳисобланган, Банк томонидан ўрнатилган, қурилган, созланган - буюм, жисм, қурилиш материалларининг ушбу ходиса содир бўлган кунга нисбатан бозор қийматини Банкга қайтаради.

2.4 "Хўжалик юритувчи субъект" Банк хизматлари кўрсатиш Маркази нормал режимда ишлашини таъминлайди, Марказ фаолият кўрсатишига халакит берадиган иш фаолиятида муаммолар юзага келишига сабабчи бўладиган омиллар пайдо бўлишини олдини олади. Марказ билан ёндош бўлган худудлар ижарага беришдан 10 календар кун олдин Банк маъмуриятини огоҳлантиради ва ушбу ҳолат бўйича этироз бўлганда ёндош худудни ижарага бериш масаласини қайта кўриб чиқади.

2.5 "Хўжалик юритувчи субъект" Марказнинг кўрикланмаслиги ёки кўриклаш етарли даражада таъминланмаганлиги натижасида содир этилган ўғрилиқлар учун жавобгар ҳисобланмайди.

3. Банкнинг мажбуриятлари

3.1 Марказ учун ажратилган хууд ва хоналарнинг капитал таъмирлаш ишларини Банк ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.2 Марказнинг қўриқлаш ва техник муҳофаза қилиш воситалари (қўриқлаш, ёнгиндан ва хавфдан огохлантирувчи сигнализация воситалари) билан жиҳозланишини Банк ўз ҳисобидан таъминлайди.

3.3 Ажратилган хонани ёритиш ва иситиш хизмати ҳақини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.4 Банк Марказ учун ажратилган хоналар тунги ва дам олиш кунлари қўриқлаш мақсадида Ички ишлар бўлимининг ТКП навбатчилик қисмига топширади.

3.5 "Хужалик юритувчи субъект" ҳузуридаги Марказ ходимлари уз амалиёт давридаги иш фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қоида ва йуриқномаларига амал қилган ҳолда юритадилар.

3.6 "Хужалик юритувчи субъект" ҳузуридаги Марказ ходимларининг нотўғри, пала-партиш ишларлари ёки жинойий хатти-харакатлар оқибатида қўриладиган зарар учун банк моддий жавобгар ҳисобланади.

4. Марказ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳамда иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолатда Марказ мудири ва юқори турувчи идора ва ташкилотлар белгиланган соатларда ишлайди.

5. Ушбу шартномани бажариш жараёнида Банк билан "Хужалик юритувчи субъект" ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган барча бахс ва даъволар қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

6. Ушбу шартнома 2027 йил «31» «декабр» кунига қадар тузилди.

Шартнома 2 нусхада тузилди: Биринчи нусхаси - Банка,
Иккинчи нусхаси - "Хужалик юритувчи субъект"га берилади.

Томонларнинг юридик манзиллари.

"Ижарага берувчи"	"Ижарага олувчи"
<p>«Тошлок кино видео» МЧЖ Манзил: Фаргона вилояти Тошлок шаҳарчаси А.Навоий кўчаси, 21 уй МФО: 00522 СТИР: 200187158 Х/р: 20208000500218747001 Телефон : 91-193-17-30; 91-662-07-59;</p> <p>Раҳбар: _____ А.У.Юлдашев</p> <p>Бош ҳисобчи: _____ М.К.Тошпулатова</p> 	<p>АТБ «Қишлоққурилишбанк» Фарғона минтақавий филиали Манзил: Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний 47. ОКРО: 15785107, ОКОНХ:96120 МФО: 00501 СТИР: 200203889 Х/р: 19909000300000501003 Телефон: 0-373-244-20-41</p> <p>Бошқарувчи: _____ Х.К.Абдурахимов</p> <p>Бош ҳисобчи: _____ М.М.Маматов</p> 

Юридик бўлим _____

